

# **ЎРМОННИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ**

**РЕЖА**


- 3. Ўзбекистон Республикасининг ўрмон фонди**
- 4. Ўрмондан ва унинг маҳсулотларидан халқ хўжалигида фойдаланиш**

# Ўзбекистон Республикасининг ўрмон фонди.

Ўрмонзорлар ер шари юзасида кенг тарқалган географик манзаралардан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида қуруқлик ернинг 29 % га яқини ёки 3700 миллион гектардан ортиқроғи ўрмонзорлар билан банд, шундан тахминан учдан бир қисми хўжаликда ўзлаштирилган, қолганлари эса ҳосил бермайдиган ёки бериш қийин бўлган ерларда жойлашган, яъни ўзлаштирилмаган. Ўрмонзорларнинг 80 % га яқини Лотин Америкаси, Россия, Африка ва Шимолий Америкалар улушкига тўғри келади, қолган қисми эса Осиё, Европа, Австралия ва Океания улушини ташкил қиласди.

Ўзбекистон ҳудудининг ўрмон ўсимликлари учун шароити ҳар-хил, ўхшаш эмас. Ҳудуднинг 50 % дан ортиқроқ майдонини шимол ва шимолий ғарбда «Қизил қум» эгаллаган, шарқ ва жанубий – шарқ қисмларида эса жуда ҳам бўлинниб кетган тоғ тизмалари ётади.

Республиканинг худуди ўрмонзорлаш ва ўрмон мелиоратив ишларини юритиш, дарахтларниң типлари ва турларини белгилашга таъсир этувчи омиллар мажмуй бўйича қуийдаги минтақаларга бўлинган:



Тоғли минтақада ўрмонлар сув оқимини тартибга солиб туради, тупроқни ювилиш ва емирилишдан сақлайди, фалокатли селлар оқимининг пайдо бўли-шининг олдини олади. Бу ердаги ёнғоқ, писта ва бошқа мевали дарахтларнинг маҳсулотидан озуқа ва хом – ашё манбаъси сифатида фойдаланилади. Булардан ташқари тоғ ўрмонзорлари, яйлов сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Улар фақат ёз фаслида қатъийян чегараланган муддат ичида майда шохли корамол-ларни боқишда фойдаланилади.

**Минтақанинг умумий  
майдони**

1130 минг гектар

**Ўрмон билан банд  
бўлгани**

160 минг гектар (15 %)

Күмли чўл минтақасидаги ўрмонзорлар ҳам чорва моллари учун яхши яйлов ҳисобланади. Уларда ўсимликлар асосан күмли тупроқларда ўсади ва қумликларни дефляциядан саклаш, чўлнинг кескин континентал иқлимини юмшатиш каби функцияларни бажаради.

**Күмли чўл  
минтақасидаги  
ўрмонзор-ларнинг  
умумий майдони**

25200 минг гектар

**Ўрмон ўсимликлари  
билин қопланганлари**

1010 минг гектар ёки  
25,5 %

Лалми минтақа ерлари ёғингарчиллик асосида ғалла экинлари учун фойдаланилади. Бу минтақада дәхқончиликті ташкил этиш, гидрометрик режим – иссиқлик билан ёғингарчилликнинг оптималь нисбатлари билан боғлиқ. Гидрометрик режимнинг умумлаштирилган күрсаткичлар исифатида «аридлик омили (фактор аридности)\*, аниқроғи йиллик ёғингарчиллик йиғиндисининг ўртача йиллик ҳароратга бўлган нисбатидан фойдаланилади, яъни:

$$\Phi = A \div t_c$$

бунда:

$\Phi$  -аридлик омили;

$A$  -йиллик ёғингарчиллик йиғиндиси, мм;

$t_c$  - йиллик ўртача ҳарорат.

Ушбу кўрсаткичга мувофиқ лалми ерларда дәхқончиликт қилиш имконияти туғилади, агарда Республика ҳудудидаги ерларда йиллик ёғингарчиллик йиғиндиси ўртача йиллик ҳароратга нисбатан 15 маротабадан юқори бўлса, яъни  $\Phi \geq 15$ . Демак лалми ерларда дәхқончиликт қилиш учун аридлик омили 15 маротабадан юқори бўлиши керак. “Арид омили” кўрсаткичи лалми минтақасида ўрмонлар барпо қилиш ва ҳимоялайдиган ўрмон дарахтлари чизимиши жойлаштиришга тўғридан – тўғри ўз таъсирини кўрсатади, ғалла ва бошқа экинлардан юқори ва мунтазам ҳосил олиш учун қулай шароит яратишга ёрдам беради.

Республика ер балансининг 2006 йил 1 январь маълумотига мувофиқ Давлат ўрмон фондининг 8597,4 минг гектарни ёки умумий майдоннинг 19,3 % ни ташкил этади. Бу майдоннинг 2371,8 минг гектар ўрмон дараҳтлари билан банд (шундан 4,4 минг гектари ҳимоялайдиган ўрмон дараҳтлари ўтқазувини ва 4,9 минг гектарини эса теракзорлар ташкил этади), 2648 минг гектарини қишлоқ хўжалик ер турлари ташкил этади, қолган 3577,6 минг гектарини ҳар – хил ер турлари эгаллаган. Булардан ташқари давлат ўрмон фондига кирмаган ўрмон ва ўрмон дараҳтларининг майдони 331,3 минг гектар, шундан ҳимоялайдиган ўрмон дараҳтлари ўтқазуви 32,1 минг гектарни, теракзорлар эса –9,8 минг гектарни ташкил этади. Шундай қилиб Республика бўйича фақат ўрмонзор ва ўрмон дараҳтлари ўтқазуви билан банд бўлган умумий майдон 2703,3 минг гектар, ҳимоялайдиган ўрмон дараҳтлари ўтқазуви 36,5 минг гектар, теракзорлар эса 14,7 минг гектар.

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ўрмонлар  
ва ўрмон дарахтлари ўтқазувининг майдонларидағи  
ўзгаришлар, минг га.**

Йил- лар	Барча тоифадаги ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар- даги ўрмонлар		Давлат ўрмон фонди		• Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ўрмонлар	
	Жами	Суғорила- диган	Жами	Суғорила- диган	жами	Суғорила- диган
1985	1415,4	28,8	723,7	9,8	691,7	19,0
1990	1409,0	30,5	709,9	9,5	699,1	21,0
1995	1254,7	39,2	810,8	11,6	443,9	27,6
2000	1373,1	46,0	1006,4	13,8	366,7	32,2
2003	2703,3	47,7	2371,3	15,6	331,5	32,1

# Ўрмондан ва унинг маҳсулотларидан халқ хўжалигида фойдаланиш

Анъанага кўра ўрмондан фойдаланиш уч хил йўналишдан иборат: бош (асосий), ўрта (оралиқ) ва ёндош (ёрдамчи). Бош фойдаланиш - бу дарахтлар ўтқазувидан пишиб - етишган ёғоч олиш, ўртacha фойдаланиш - ўрмон дарахтларини парвариш қилиш, уларга ишлов бериш (яъни буташ, кесиш ва бошқ.). Бундай ишлов беришлар пишиб - етишмаган ёшдаги барча ўрмонлар гуруҳида амалга оширилади (даҳлсиз ва бориб бўлмайдиган ўрмонлардан ташқари). Ўрмон дарахтларидан ўртacha фойдаланишни амалга ошириш орқали тайёрланадиган ёғочларнинг ярмидан кўпини олиш мумкин. Ҳимоялайдиган ўрмон дарахтлари (ўрмон парклари, курортлардаги ўрмонлар, йўл сув манбаълари ёқасидаги ўрмон дарахтлари) ўтқазувида ўртacha ишлов бериш пишиб етишган ўрмон дарахтларида ҳам ўтқазилиши мумкин. Ўртacha ишлов беришдан фойдаланиш, айниқса бош ўрмон дарахтлари учун муҳим аҳамиятга эга. Бундай ишлов бериш, ўрмоннинг фойдали хоссаларини оширади, ёғочга нисбатан талабни қондиради. Ўрмон дарахтлари ёғочи хомашё сифатида кимё саноатида катта аҳамиятга эга, уларни қайта ишлаш натижасида ҳар - хил маҳсулотлар олинади. Ўрмон ёғочи целялюзда беради, ундан қофоз, картон, уксус кислотаси, дубил моддаси, дегот, кўмир ва бошқалар олинади.


**Гидролиз саноатида ўрмон ёғочининг чиқиндилари (қиринди, қипиғ, майда шохчалар) дан кенг фойдаланилади. Улардан бир нечта фойдали маҳсулотлар – чорва молларига берадиган озуқа хамиртуриши, этил спирти, суюқ кўмир кислотаси, қуруқ лингин кабилар олинади.**

**Ўрмондан ёндош фойдаланиш деганда ундан чорва учун яйлов ва пичанзор сифатида фойдаланиш, у ерда ов қилиш, асал ари қўйиш, қўзиқорин, дориворлар хомашёсини, мевалар тўплаш тушунилади.**

**Юқорида айтилган уч хил кўринишдаги фойдаланишдан ташқари яқинда ўрмондан фойдаланишнинг янгича хиллари вужудга келди: ўрмон мелиорацияси; рекреацион фойдаланиш. Ўрмон мелиорацияси сифатида фойдаланиш сув режимини ва микроиклимини яхшилаш, экинларни гаримсел ва кучли шамоллардан, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан, йўлларни қум ва қор босишдан, қумларни эса кўчишдан, аҳоли пунктлари, экин майдон ва бошқаларни сел келишидан сақлашни назарда тутади.**

## Рекреацион фойдаланиш деганда

*ўрмон ва миллий бор (парк) лар  
барпо қилиш, уларда оммавий  
дам олиш ва туризмлар  
ташкил қилиш билан  
одамларнинг жисмоний ва  
маънавий соғлигини тиклашни,  
табиат манзараларидан  
баҳраманд бўлишини  
таъминлаш тушунилади.*



Ўрмон ресурсларидан фойдаланиши ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида» ги қонунига мувофиқ амалга оширилади. Қонуннинг 4 – моддасида «Ўрмонлар давлат мулки – умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш лозим ҳамда улар давлат томонидан қўриқланади» дейилган.

«Үрмон түғрисида» ги қонунга биноан ҳамма ўрмонлар давлат ўрмон фондини ташкил этади.

Давлат ўрмон фондига қыйидагилар киради:

давлат аҳамиятига эга бўлган ўрмонлар

давлат ўрмон хўжалиги органлари қарамоғидаги ўрмонлар

бошқа идоралар ва юридик шахслар фойдаланишидаги ўрмонлар

Қонуннинг 6-моддасида давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтзорлар ва бутазорлар қайд қилинган, улар қуидагилар:

*қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардаги дарахзорлар ва тўп-тўп дарахтлар, экинзорларнинг ихота дарахтзорлари, шунингдек бошқа дарахтзорлар ва бутазорлар;*

*темир йўл, автомобиль йўллари, каналлар ва бошқа сув объектларининг ажратилган минтақаларидағи ихота дарахтзорлари;*

*шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидағи дарахтлар ва тўп-тўп дарахтлар, шунингдек қўкаламзорлаштириш учун экилган ўсимликлар;*


*томорқалардаги ва боғ участкаларидағи дарахтлар ҳамда тўп-тўп дарахтлар.*

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтзорлар ва бутазорларни барпо қилиш, парваришилаш, қўриқлаш ҳамда улардан фойдаланиш «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ги қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўрмон фонди ерларига ўрмон билан қопланган ерлар ва ўрмон билан қопланмаган лекин ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар киради. Ўрмон фонди ерларининг чегаралари қонун хужжатларида белгиланган тартибда аниқланади. Бу ерлар белгиланган тартибда эгалик қилиш, фойдаланиш учун, жумладан ижарага берилиши мумкин.

## **1.1.6 Ўрмон фонди ерлари**

Ўрмон фонди ерлари – алоҳида экологик ахамиятга эга бўлиб, ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлардир. Ўрмон фонди ерларининг 2015 йил 1 январ ҳолатига умумий ер майдони **9752,3 минг** гектарни ёки жами ер майдонининг **21,7 фоизини** ташкил қиласиди. Ўрмон фонди ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича тақсимланиши 1.1.6.1-жадвал ва 1.1.6.1-расмда кўрсатилган.



**Ўзбекистон Республикаси Ер фондининг тоифалари бўйича**  
**тақсимланиши**  
**2016 йил 1 январ**

Т/п	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдон		Шу жумладан, сугориладиган ерлар	
		Жами	Фоиз хисобида	Жами	Фоиз хисобида
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20388,8	45,42	4209,3	9,37
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	221	0,49	50,2	0,11
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ерлар	896,2	2,02	12,4	0,03
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	76,0	0,17	0,9	0,002
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	9,2	0,02		
6	Ўрмон фонди ерлари	9773,0	21,77	33,2	0,07
7	Сув фонди ерлари	831,4	1,87	4,6	0,01
8	Захира ерлар	12277,4	27,65	2,1	0,004
	<b>Жами ерлар:</b>	<b>44892,4</b>	<b>100,0</b>	<b>4312,4</b>	<b>9,6</b>